Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 19-dekabr, payshanba № 152 (3345)

Демократик жамият — бу, энг аввало, фуқаролик жамиятидир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ), фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллигини янада ошириб бориш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш бўйича ислоҳотларни амалга оширишдаги уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини изчиллик билан босқичма-босқич рўёбга чиқариш, шунингдек, ННТ тизимини кенг ривожлантириш, уларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида:

1. 2014 йилнинг 1 январидан ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи миқдори 5 баравар, уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар миқдори 2,5 баравар камайтирилиб, уларнинг миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ННТнинг алоҳида бўлинмалари (ваколатхоналари ва филиаллари)ни, шу жумладан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлганларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун давлат божи ундирилмайди;

ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи мазкур Қарор билан тасдиқланган давлат божи миқдорининг 50 фоизи миқдорида ундирилади.

2. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатлари адлия органлари томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганидек икки ой муддат ўрнига бир ой муддатда кўриб чиқилиши белгилансин.

Белгилансинки, юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисоб варақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда уларни тугатиш учун асос бўлишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддаси қоидаси нодавлат нотижорат ташкилотларига жорий этилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур Қарорнинг қоидаларини амалга ошириш бўйича қарор қабул қилсин, унда, хусусан:

ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатга олиш, тугатиш, уларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш, улар томонидан солиқ, статистика ва рўйхатга олувчи органларга ҳисоботлар тақдим этилишининг тартибини унификация қилиш ва соддалаштиришни;

катта ижтимоий аҳамиятга молик долзарб муаммоларни ҳал этишда, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ, минтақавий ва ҳудудий, авваламбор давлат ННТнинг фаол қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган соҳалардаги дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ННТ ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексининг амалга оширилишини;

соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, бандликни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги долзарб ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда ННТ иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, мазкур соҳаларнинг социал, ижтимоий, гуманитар ривожланишдаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштириш чоралари кўрилишини назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига, «ЎзА» Миллий ахборот агентлигига Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси, оммавий коммуникациялар соҳасидаги бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ҳамда аҳамиятини оширишга йўналтирилган кенг кўламли ишларни мунтазам равишда кенг ёритилишини таъминлаш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

марказдаги ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда халқаро шартномаларида мустаҳкамланган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан самарали назоратни таъминлаш чораларини кўрсин;

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.М.Исмоилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 12 декабр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ-2085-сонли қарорига илова

Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи миқдорлари, шунингдек, уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар миқдорлари

№	Нодавлат иотижорат ташкилотининг тури	Давлат божи ставкалари
	Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи ставкалари	
1.	Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари	энг кам иш ҳақининг ўн баравари ва 50 АҚШ доллари
2.	Республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлари	энг кам иш ҳақининг тўрт баравари
3.	Вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул нодавлат нотижорат ташкилотлари	энг кам иш ҳақининг икки баравари
	Нодавлат нотижорат ташкилотлариниг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар миқдорлари	
1.	Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари	энг кам иш ҳақининг икки баравари ва 25 АҚШ доллари
2.	Республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлари	энг кам иш ҳақининг икки баравари
3.	Вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул нодавлат нотижорат ташкилотлари	энг кам иш ҳақининг бир баравари

Энг намунали бошланғич ташкилот

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танловининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда иш берувчилар ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари вакиллари, қатор вазирлик ва идоралар мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар ва ижтимоий шериклар иштирок этишди.

Даставвал, йиғилганлар танловнинг республика финал босқичига чиққан намунали бошланғич касаба уюшма қўмиталари фаолиятига оид кўргазмани қизиқиш билан томоша қилдилар. Жамоа шартномалари ва унинг ижроси назоратга олинган бошқа ҳужжатлар, шунингдек, турли тадбирлар ўз аксини топган стенд ва фотосуратлар меҳнат-кашлар манфаати устувор эканлигини яна бир бор тасдиқлагандек бўлди. Бундан ташқари, касаба уюшма ташкилотлари фаол бўлган корхона ва ташкилотлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар намойиши ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Шундан сўнг тантанали маросимнинг асосий қисми бошланди. Унда ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева иштирок этди ва сўзга чиқди.



Самарали фаолият ва фидойилик намойиши

Эътибор

Касаба уюшмалари тизимини такомиллаштириш жараёнида бошланғич ташкилотлар фаоллигини янада ошириш, бу орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бошланғич касаба уюшмаси — энг муҳим бўғин ҳисобланиб, меҳнат кишисининг ҳақиқий ҳимоячиси ва таянчидир. Шу боис соҳани ислоҳ этиш асносида корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб бораётган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, молиявий имкониятларини кенгайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ҳар 2 йилда бир маротаба ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танловдан кўзланган мақсад ҳам бошланғич ташкилотлар етакчилари масъулиятини янада ошириш, уларнинг замон билан ҳамнафас қадам ташлашига эришиш ва бу орқали ходимлар оғирини енгил қилиш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, иш берувчилар билан ижтимоий шерикликда қулай ва бехатар меҳнат шароитлари яратиб берилишини таъминлашдир.

Ўз-ўзидан тушунарлики, бошланғич ташкилотлар республика касаба уюшмалари ҳаракатида алоҳида ўрин тутади. Бунда касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойидан сўнг тизимда ходимлар манфаатларини самарали ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, келишув ва жамоа шартномалари орқали меҳнат муносабатларига оид долзарб масалалар ҳал этилиб, белгиланган имтиёзлардан барча ходимларнинг бирдек фойдаланишига эришилаяпти. Айниқса, касаба уюшма органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида касаба уюшма аъзолари олдида мунтазам ҳисобот бериб бориш тизимининг йўлга қўйилгани ижобий самара бермоқда. Барча жамоа шартномаларига аёллар ва ёшларнинг манфаатларини ҳимоялашга оид алоҳида бўлимлар киритилиб, улар учун қўшимча имтиёзлар белгиланган ҳам таҳсинга лойиқдир. Шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари бажарилишини таъминлаш юзасидан иш берувчиларнинг мажбуриятлари аниқ-равшан белгилаб қўйилди.

Энг муҳими, ўз фаолиятини давр талаби асосида ташкил этаётган касаба уюшмалари нафақат ходимлар манфаатларини ҳимоя қилмоқда, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ходимлар даромадини ошириш йўналишларида ҳам тизимли иш олиб боряпти. Жумладан, Тошкент Иссиқлик электр станциясида касаба уюшма ташкилоти ва иш берувчи ижтимоий ҳамкорлигида ташкил этилган ёрдамчи хўжаликлар, қорамол фермаси, асаларичилик хўжалиги, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Самарқанд филиали касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида яратилган 5 гектарлик боғ, уларда бир неча ўнлаб кишиларнинг бандлиги таъминлангани бошланғич касаба уюшмалари ташаббускорлигига ёрқин бир мисол бўлиши мумкин. Мазкур ёрдамчи хўжаликларда етиштирилаётган мева ва сабзавотлар, асал ва сут маҳсулотлари меҳнаткашларга имтиёзли нархларда етказиб берилмоқда. Ижтимоий ҳимоянинг бу каби янги усуллари мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларга ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

(Давоми 2-саҳифада).

Бир сафда

Мамлакатимизда ногиронларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, кўзи ожизлар ҳам соғлом инсонлар билан қадам-бақадам ҳар соҳада фаол иштирок этиб, ўз истеъдодлари ва қобилиятларини намоён этмоқдалар.

Қалб кўзи билан

Ҳозир Қашқадарё вилоят кўзи ожизлар жамияти сафида 1768 нафар ногирон бўлиб, улар турли ташкилот ва муассасаларда компьютер, интернет, электрон почта имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда иш юритиб келмоқдалар.

— Кўзи ожиз инсон қалб кўзи билан бутун дунёни кўради, — дейди вилоят кўзи ожизлар жамияти бошқаруви раиси Ҳақназар Пўлатов. — Шаҳар ва туманларда бошланғич ташкилотлар ва улар меҳнат қилаётган корхоналар тобора ривожланмоқда.

Айни пайтда Қаршида вилоят 18-сонли кўриш имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси, туманлардан ўнтасида ахборот-ресурслар маркази, 8 та туманда махсус клуб, вилоят кўзи ожизлар махсус кутубхонаси, вилоят кўзи ожизлар амалий ишлар услубият маркази сингари ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказлари ишлаб турибди.

Брайл алифбосида турли-туман асарлар чоп этилиб, ўрганилмоқда. Китобхонлар конференциялари, шоир ва ёзувчилар ижодига бағишланган адабий кечалар ўтказиляпти.

Иззат ҲИКМАТОВ

Навоий томонларда

Вилоят марказидан 350 километр олисдаги Томди туманининг «Керизбулоқ» ширкат хўжалигида янги спорт иншооти қуриб фойдаланишга топширилди.

Замонавий спорт зали

Яратилган қулайлик шарофати билан 80 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлди. Айни кунларда волейбол, баскетбол, стол тенниси, қўл тўпи бўйича машғулотлар ўтказилаётир.

Хизмат турлари кўпайди

Навбаҳор туманининг Қалқонота қишлоғида кейинги пайтларда қатор маиший хизмат кўрсатиш объектлари, савдо ва озиқ-овқат шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тикув цехи, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, фотосалон, компьютер ва интернет хизмати, оёқ кийими ва маиший техникаларни тузатиш устахоналари шулар жумласидан. Асосийси, мазкур қулайликлар асносида 25 нафар ёш доимий иш жойига эга бўлди. Тикувчилик цехида кам таъминланган оилалар аъзоларига бепул касб ўргатилмоқда. Шунингдек, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш цехи ҳам иш бошлади.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Обуна — 2014

Ҳаётимизга фаровонлик ва тўкинлик, кўнгилларга хурсандчилик улашаётган Обод турмуш йили ҳам ўз поёнига етиб бормоқда. Ортга назар ташлаган ҳолда бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш ва янги йил учун режалар тузишнинг айни вақти. Шундай қизғин паллада биз Қашқадарё вилоятидаги қатор корхона ва ташкилотларда бўлиб, касаба уюшма етакчилари ҳамда ходимлар билан учрашдик. Уларнинг тугалланаётган йилда эришган натижалари, хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри — «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига оид таклиф ҳамда тавсиялари билан танишдик.

Фаоллар ҳузурида

Ташриф

— Муассасамизда 215 нафар ходим меҳнат қилади, — дейди Қашқадарё вилоят онкология диспансери врачи Яхшимурод Абдуллаев. — Касаба уюшма қўмитаси раиси Шавкат Жўраев ходимларнинг оғирини енгил қилиш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда жонбоз. Иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат, ҳуқуқий ва касб муносабатларини белгилаш, бандлик ва ижтимоий кафолат мажбуриятларини ўзида мужассамлаштирган жамоа шартномасининг ижросига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз.

Ажойиб кутубхонамиз бор. Бўш вақтимизни шу ерда ўтказамиз. Назокат Саидова, Аброр Абдусоатов, Шоҳиста Раҳмонова, Муҳаббат Муҳаммедова, Матлуба Рўзиқулова ва бошқа ҳамкасблар билан қадрдон газетамиз «Ishonch»ни қўлма-қўл ўқиймиз...

Янги рукнлар очилса...

— «Ishonch» газетасининг ҳар сонини орзиқиб кутаман, — деди Чироқчи туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Ғулом Жўраев. — Келгуси йил учун обуна бўлдик. Фикр-мулоҳазаларимиз ҳам йўқ эмас. Таҳририят ижодий жамоасига келаётган йилда «Адабиёт саҳифаси»ни ташкил этишни таклиф қилардим. Саҳифада улуғ аждодларимиз ижодидан намуналар, уларга қисқача шарҳлар бериб борилса, қани эди.

Ҳаёт — мактаб. Ана шу мактабда ўзини ҳар жиҳатдан кўрсатган, касаба уюшмаларининг турли бўғинларида ходимлар манфаати учун самарали меҳнат қилган касаба уюшма фидойилари ҳақида ҳикоялар бериб борилса, ғоят савобли иш бўларди...

Ёрқин ҳаёт ойнаси

— «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг ҳар томонлама ранг-барангликкa эришаётгани бизни севинтиради, — дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси Дилбар Тўхтаева. — Касаба уюшмаларида бўлаётган ўзгаришлар дейсизми, уюшмалар оталиғида бўлган соҳалар — томорқалардан унумли фойдаланиш, боғу роғлар барпо этиш дейсизми, барча-барчасига жорий йилда газета саҳифаларида кенг ўрин ажратилди.

(Давоми 4-саҳифада).

Ishonch
2013-yil 19-dekabr № 152 (3345)

Самарали фаолият ва фидойилик намойиши







(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Рақамларга мурожаат этсак, кейинги 3 йил мобайнида имзоланган жамоа шартномалари ва келишувларда белгиланган имтиёзлардан 102 минг нафарга яқин фуқаро ва 260 мингдан ортиқ оила фойдаланди. Уларга 112,2 млрд. сўмлик ижтимоий кўмак берилди. Кам таъминланган оилалардан бўлган коллеж ўқувчилари ва битирувчиларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида охирги 2 йилда корхона-ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган ҳамда касб-ҳунар коллежларини имтиёзли диплом билан тугатган 59 минг 525 нафар ёшга бошланғич ташкилотлар маблағи ҳисобидан 1 млрд. 83 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Корхона, ташкилотларда ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликлари профилактикасининг амалиётга кенг жорий этилиши натижасида кўрсаткичлар яхшиланиб бормоқда. Бевосита бошланғич ташкилотлар иштирокида 6836 та корхонада уч босқичли маъмурий-жамоатчилик назорати ўрнатилган бўлиб, меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакиллар, корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси йиғилишларида ушбу масала атрофлича муҳокама этиб келинаётир.

Нодавлат сектордаги корхона, ташкилот ва муассасаларни касаба уюшмаси хизмати билан қамраб олишга эътибор кучайтирилаётганлиги натижасида жамоа шартномаларида кўзда тутилган имтиёз ва кафолатлардан фойдаланувчи ходимлар сони муттасил ортиб бораётир.

Яна бир муҳим жараён — корхона ва ташкилотларда иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ва меҳнат шароитларини паспортлаштириш масаласидир. Ушбу соҳага эътибор кучайтирилиши боис Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Алоқа ҳамда Агросаноат мажмуи тармоқлари тизимидаги йирик ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларида иш ўринлари аттестациядан ўтказилиб, меҳнат шароитини паспортлаштириш ишларида ижобий жараён кўзга ташланди.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда бошланғич ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Хусусан, ҳар ойда 28 мингга яқин бошланғич ташкилотларда «Маънавият соатлари» ўтказилиб, уларда 3 млн. нафардан ортиқ ишчи-ходимлар иштирок этяпти.

Фаолиятида ижобий натижаларга эришаётган бошланғич ташкилотларни аниқлаш ва тақдирлаш, уларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида 2011 йилда илк маротаба «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ўтказилган эди. Мазкур танлов бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг корхона, ташкилотлар ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ва иштирокини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилнинг август ойида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари ўтказилиб, уларда 1700 га яқин касаба уюшма қўмитаси иштирок этди. Корхона, ташкилотларда касаначилик иш ўринларида ишлаётган ходимларни касаба уюшмасига жалб этиш, жамоа шартномаларида кўзда тутилган имтиёзлардан уларнинг фойдаланишини таъминлаш ва доимий назоратга олиш, ходимларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, корхонага янги ишга келган коллеж ва олий ўқув юрти битирувчиларининг иш жойида муқим ўрнашиб қолишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар асосий мезон қилиб олинди.

Инсонга наф келтириш йўлида намунали фаолият олиб бораётган касаба уюшма қўмиталари ишини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат кишиси манфаатлари йўлидаги фаолиятини янада кучайтириш, бошқа касаба уюшма қўмиталари ўртасида илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ўтказилаётган мазкур кўрик-танловда қатнашган бошланғич ташкилотлар фаолияти кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Республика комиссияси томонидан чуқур таҳлил этилди. Хусусан, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, ташкилий масалалар, тарғибот-ташвиқот соҳалари бўйича амалга оширилаётган ишлар ўрганилди. Бунда, айниқса, бошланғич ташкилотнинг ходимлар муаммоларини ҳал этишда эришган аниқ натижалари, улар учун яратилган меҳнат шароити, касаба уюшма ташкилотининг янги иш ўринларини ташкил этишдаги иштироки, жамоа шартномасини тузиш қоидаларига риоя этилганлиги ва унинг мазмуни қонун ҳужжатларига мослиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича корхона, ташкилот ва муассасаларда ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини йўлга қўйишдаги иштироки, ходимларнинг ҳуқуқий билимини ошириш бўйича ўтказилган тадбирлар, меҳнаткашлар маънавиятини юксалтириш борасида саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётир.

Муносиблар тақдирланди

Кўрик-танловнинг туман, шаҳар, вилоят, республика тармоқ босқичларида саралаган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари Республика босқичида иштирок этдилар ва тармоқлар хусусиятларини инобатга олган ҳолда саноат ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳа йўналишларида ғолиблар аниқланди.

Шунга кўра, саноат ва ишлаб чиқариш соҳасида 1-ўрин «Ўзметкомбинат» ОАЖ касаба уюшма қўмитасига насиб этди. 2-ўрин «Ўзаэронавигация» маркази, 3-ўрин эса «Ангрен логистика маркази» ЁАЖ касаба уюшма қўмиталарига муносиб кўрилди. Ижтимоий соҳада эса 1-ўринга «Пахтасаноат илмий маркази» ОАЖ, 2- ва 3-ўринларга Нукус шаҳар Н-ҳарбий қисм ҳамда Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмиталари сазовор бўлди. Ғолиб бошланғич ташкилотлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Фахрий ёрлиқ ҳамда махсус мукофотлар билан тақдирланди.

Шунингдек, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд филиали, Тошкент иссиқлик электр станцияси, Бухоро Давлат университети қошидаги 4-академик лицей, Тошкент шаҳар «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонаси ҳамда Мис эритиш заводи касаба уюшма ташкилотлари махсус номинация бўйича мукофотланди. «Ўз Донг Жу Пент» ЁАЖ, Жиззах политехника институти, «Муборакнефтгаз» УШҚ, «Қизилқумцемент» АЖ, «Хадича ая» фермер хўжалиги, Сирдарё вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Қумқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси, «ДЭУ текстил Фарғона» МЧЖ ҳамда «Урганчёғ» ОАЖ касаба уюшма қўмиталарига рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди. Бундан ташқари, касаба уюшмалари билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётган иш берувчилардан «Ўзметкомбинат» ҳамда «Пахтасаноат илмий маркази» ОАЖлар ЎзКУФКнинг ташаккурномасига муносиб кўрилди.

Энг намунали деб топилган касаба уюшма қўмиталари янги лойиҳа ва амалиётлари тақдимоти бўлиб ўтди. Танлов доирасида ташкил этилган кўргазмалар бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигининг йил сайин ортиб бораётганини яққол намоён этди.

Сўз — ғолиб ва совриндорларга

Иброҳим ҚОДИРОВ, «Ўзметкомбинат» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан мазкур танловнинг ўтказилиши меҳнаткашларга берилаётган эътибор ва рағбатнинг ёрқин намунаси, десак янглишмаймиз. Танловга тайёргарлик кўриш жараёнида фаолиятимизга яна бир бор жиддий назар ташлаб, ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилдик. Қўмитамиз таркибида 40 та цех қўмитаси мавжуд бўлиб, 11 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган. Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш билан бирга, спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратяпмиз. Тасарруфимиздаги 5 та спорт мажмуасида 2500 нафарга яқин ходим ва уларнинг оила аъзолари спортнинг 14 тури билан шуғулланишади. Улар орасида Республика чемпионлари ва халқаро мусобақалар совриндорлари бор. «Ёшлик» спорт-соғломлаштириш мажмуасида бадиий гимнастика, бокс, самбо бўйича турнирлар ўтказиш анъанага айланган. Бундан ташқари, меҳнаткашларнинг соғлигини тиклаш, ҳордиқ чиқаришини таъминлаш диққат марказимизда. Мисол учун, комбинатга қарашли Чорвоқ сув омбори ҳудудидаги «Металлург» пансионатида ишчи-ходимлар дам олдирилади. Комбинат санаторий-профилакторийсида йил давомида 1500 нафарга яқин ходим ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини тиклайди. Шунингдек, юртимиз ҳудудидаги сиҳатгоҳларга 500 га яқин ходимлар учун йўлланмалар ажратилмоқда.

Нажмиддин КАМОЛОВ, «Пахтасаноат илмий маркази» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси:

— «Ўзпахтасаноат» уюшмаси таркибига 98 та пахта тозалаш корхонасини ўз ичига олган 13 та ҳудудий «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси, «Пахтасаноат илмий маркази», 34 та ихтисослаштирилган уруғлик тайёрлаш цехи, ҳудудий марказий таъминот базалари ва бошқа ёрдамчи бўлинмалар киради. 2012-2013 йилларда 8 та корхона хорижий ва маҳаллий технологик қурилмалар билан жиҳозланиб, модернизация қилинди. Барча «Пахтасаноат» ҳудудий бирлашмаларида ва қатор пахта тозалаш корхоналарида сифат менежментининг ISO 9001 стандарти бўйича халқаро тизим жорий этилди. Пахта тозалаш корхоналари фаолиятининг йиллик мониторинги шуни кўрсатдики, тола чиқиши ва пахта маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари яхшиланмоқда, ёнилғи ва энергетика ресурслари тежалаяпти. Ушбу жараёнда «Пахтасаноат илмий маркази»нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Марказ касаба уюшма қўмитаси томонидан эса жамоани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, марказимизда олиму инженер-техник ходимларга меъёрий иш жойларини ташкил этиш мақсадида ўтган йили 9 та лаборатория хонаси, бир неча ишчи хоналари, ошхона таъмирланиб, мебел жиҳозлари, асбоб-ускуналар ҳамда эшик ва деразалар янгиланди, музлатгич ва кондиционерлар ўрнатилди. Бу ишлар учун 300 млн. сўм сарфланди.

Жорий йилдан бошлаб марказимизда тиббиёт пункти фаолият юритмоқда. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалалари бўйича доимий ҳаракатдаги комиссия аъзолари томонидан ходимларни ўқитиш йўлга қўйилган. Турли лавозимлар учун меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномалар тайёрланган, шунингдек, меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш Низоми ишлаб чиқилиб, татбиқ этилган.

Дилмурод ИСАМЕТДИНОВ, «Ўзаэронавигация» маркази бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси:

— 2004 йилдан буён марказда бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси бўлиб ишлайман. Фаолиятимизда устувор йўналишлар доирасидаги вазифаларни муваффақиятли уддалашга ҳаракат қиляпмиз. ЎзКУФК раҳбарияти томонидан тизимда олиб борилаётган такомиллаштириш чоратадбирлари ва бошланғич ташкилотларга эътибор ишлар кўламини янада оширди. Касаба уюшмаларининг мурожаатлар билан ишлаш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя ва соғломлаштириш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари эътиборга молик. Бирлашган касаба уюшма қўмитамизнинг маъмурият билан ҳамкорлиги ўзининг ижобий самарасини бераётир. Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш ҳудудий бўлинмаларида ўз фаолиятини тасдиқланган режага мувофиқ ташкиллаштирган 15 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти мавжуд.

Марказ маъмурияти ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан ходимларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлашга қаратилган Жамоа шартномаси, Ички меҳнат тартиби қоидалари каби қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ҳар жабҳада қўл келаётир.

Инсонга меҳнати самарасини кўришдан ортиқ қувонч бўлмаса керак. Шу маънода мазкур кўрик-танлов нафақат бажарилаётган ишлар натижасини таҳлил қилиш, рағбат ва эътибор кўрсатилиши билан ҳам аҳамиятли. Касаба уюшма қўмитамизга 2011 йилда ўтказилган танловда 3-ўрин насиб этган бўлса, бу гал 2-ўринни қўлга киритдик.

Мунаввар ҚАБУЛОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги Н-ҳарбий қисм касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Кўрик-танловда касаба уюшма қўмитамизнинг 2-ўринга лойиқ топилганидан тўлқинланиб кетдим. Ижтимоий шериклик асосида янада кўпроқ излансак, бундай ютуқларни қўлга киритишимиз мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим. Юртимиз тинчлигини сақлашга масъул ҳарбийларни ҳар қанча эъзозласак оз. Шу маънода ҳарбийларимиз ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Жумладан, «Обод турмуш йили» дастури доирасида ҳарбий шаҳарчада болалар майдончалари ташкил этилмоқда.

Режа асосида йил давомида «Соғ танда — соғлом ақл» шиори остида спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб борилади. «Маънавият соатлари» доирасида «Алишер Навоий — маърифат куйчиси», «Амир Темур — буюк соҳибқирон» ҳамда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳиятига бағишланган ва бошқа мавзулардаги тадбирлар аъзоларимизнинг дунёқарашини бойитишга хизмат қилаяпти.

Фазлиддин ҲАМИДОВ, Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Жамоадошларимизнинг аксарияти хотин-қизлар. Шу боис жамоа шартномасида уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, аёлларнинг иш соати қисқартирилиб, 12 ёшгача икки ва ундан ортиқ, 16 ёшгача ногирон боласи бор ишловчи оналарга иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча дам олиш кунлари берилмоқда. Қўмитамиз иши касаба уюшмалари устувор йўналишлари асосида ташкил этилиб, асосий эътибор ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Касаба уюшма қўмитамизга 22 та шифохона бўлимлари, 55 та ҚВП ва 8 та хусусий шифохона шохобчаларида ишловчи 2942 нафар ходим аъзо. Ҳамкасбларимиз турли маданий-маърифий тадбирлар, соҳага доир танлов ва спорт беллашувларида фаол иштирок этишади. «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика финал босқичида 3-ўринга лойиқ топилганимиздан жуда бахтиёрман. Бундан буён ҳам одамлар соғлигини муҳофаза қилишга масъулият билан ёндашган ҳолда соҳа ходимларини ҳам ҳар томонлама ҳимоялашни мақсад қилганмиз.

Муқаддам НАРБАЕВА, «Ангрен логистика маркази» ЁАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Касаба уюшма қўмитамизга 1782 нафар аъзо бирлашган. Корхонада ўтказиладиган барча тадбирлар режа асосида маъмурият билан ҳамкорликда амалга ошириб келинади. Энг муҳими, касаба уюшмаси вакиллик органи сифатида тан олиниб, ўзаро муносабатлар тенг ҳуқуқли ижтимоий шериклик асосида ўрнатилган.

Ходимларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилаётир. Жумладан, меҳнат муҳофазаси бўйича ўтган йилга нисбатан жорий йилда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 20 фоизга ошди. Дам олиш ва ювиниш хоналари ташкил этилган бўлиб, 80 ўринли ётоқхонада барча шароит мавжуд. Ишчилар ёзги ва қишки махсус кийим ҳамда пойабзаллар билан таъминланган. Меҳнат муҳофазаси бўйича 27 та вакил сайланган бўлиб, ўтган йили уларнинг ўқуви ташкил этилди.

Маданий-маърифий йўналишдаги иш режасига кўра, «Логистика», «Махсусюктранс» ва «Транзит юк терминали» унитар корхоналарида ўтган икки йил давомида 128 марта «Маънавият соатлари» ўтказилди. Эътиборли жиҳати, маъмурият томонидан маданий-маърифий тадбирларга жорий йилнинг 9 ойида 60 млн. сўм сарфланди.

Корхонада жорий йилда амалиёт ўтаган коллеж ўқувчиларидан 20 нафарига касаба уюшма қўмитаси томонидан белгиланган тартибда моддий ёрдам кўрсатилди ва битирувчилар имкон даражасида ишга қабул қилинди. Бугунги эътибор ва рағбат бизни янада фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди.

Мақсуджон НАБИЕВ, «Хадича ая» фермер хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Хўжалигимизда меҳнат қилаётган 50 нафар ишчи-хизматчига ишлаш учун етарли шароит яратилган. Жумладан, хўжалик дала шийпони таъмирланиб, эркаклар ва аёллар учун алоҳида дам олиш хоналари, касаба уюшмаси қўмитаси, маънавият ва тиббиёт хоналари қайта жиҳозланди. Бундан ташқари, хўжаликда паррандачилик, асаларичилик каби соҳаларда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилган.

Юртимизда рўй бераётган янгиликлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини ишчиларга етказиш мақсадида «Маънавият соатлари»ни ўтказишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Меҳнат муҳофазаси доимий диққат марказимизда. Хўжаликда техникадан унумли фойдаланиш, техника хавфсизлиги ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича масъул шахслар томонидан тушунтириш ишлари олиб бориш йўлга қўйилган. «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаб, уларга хавфсиз меҳнат шароитлари яратиб беришда ижобий натижаларга эришган ташкилотлар сафида рағбатлантирувчи мукофотга лойиқ кўрилдик. Бу билан чекланиб қолмай, келгусида «биринчи»лар сафида бўлишга ҳаракат қиламиз.

Шаҳноза ШАРИПОВА, Бухоро Давлат университети қошидаги 4-академик лицей касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Лицейимизда ходимлар ва ўқувчилар ижтимоий ҳимояси йил сайин яхшиланмоқда. Жорий йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож педагог-ходимлардан 34 нафарига маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Турли байрам тадбирлари жамоада кўтаринки руҳда, ҳамжиҳатлик билан ташкил этилади. Кам таъминланган, ногирон, кўп болали, касалманд ходимлар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинади.

200 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойида ҳаёт қайнайди. Бу ерда тез-тез учрашув ва тадбирлар ўтказилади. 20 та фан, спорт ва бадиий тўгаракларга 400 дан ортиқ ўқувчи жалб этилган. Спорт зали ва майдончаларида ходим ҳамда ўқувчиларнинг шуғулланиши учун барча имконият бор. Йил давомида ўқитувчи, ишчи-ходим ва ўқувчилар ўртасида футбол, шахмат-шашка, волейбол, стол тенниси, миллий кураш каби спорт турларида ўндан ортиқ мусобақалар ўтказилди.

Ҳар йили иқтидорли ва кам таъминланган ўқувчи ҳамда ходимлар республикамизнинг тарихий жойларига саёҳатга олиб борилади. Жорий йилда Термиз, Шаҳрисабз ва Бухородаги қадамжоларга саёҳатлар уюштирилди. Уларда 700 дан ортиқ ўқувчи ва ўқитувчи қамраб олинди. Ёшлар — эртамиз эгалари. Шу боис, уларнинг баркамол бўлиб вояга етишида бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

Дилшода МУХТОРОВА, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд филиали касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Йил давомида иш берувчи билан ҳамкорликда жамоамиздаги 1457 нафар касаба уюшма аъзосининг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш бўйича муайян ишлар олиб бордик. Масалан, 2012-2014 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасига асосан, йилнинг ўтган даврида 340 нафар ходимга 49 млн. сўмлик моддий ёрдам берилди. Ходимларнинг Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳатлари уюштирилди.

Ташкил этилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар барчага манзур бўлмоқда. Бундан ташқари, меҳнат муҳофазасини яхшилаш борасида ҳам қатор саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Зарарли шароитда ишловчиларга бепул сут маҳсулотлари тарқатиш, уларни махсус кийим-бош билан таъминлаш доимий назоратимизда. Мазкур танлов биз учун тажриба алмашиш мактаби бўлди, десам янглишмайман. Чунки, намунали бошланғич ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзаро фикр алмашдик, билмаганимизни ўргандик.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.
Акмал ТОШЕВ,
Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбирлари.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ташкилот ва корхоналарда, ҳайдовчи, пиёда ва болалар ўртасида профилактик тадбирлар ташкил этиш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўллар аҳволини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ҳар йили мунтазам равишда «Диққат, болалар», «Таътил», «Диққат, пиёда», «Яшил чироқ» каби тадбирларни ўтказиб келинаётгани ҳам фикримизнинг исботидир. Жорий йилнинг 15 декабридан 2014 йил 15 январига қадар давом этадиган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ҳам шундай тизимли ишлардан ҳисобланади.

Йўлингиз бехатар бўлсин!

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида 3 миллион 104 минг 680 та соҳага дахлдор қоидабузарликлар аниқланди. Жумладан, 1 миллион 279 минг 280 та қўпол қоидабузарлик, 41 минг 796 та маст ҳолда, 5491 та монитор ўрнатилган транспортни бошқариш, 18 минг 580 та қорайтирилган ойнали транспортдан ва 37 минг 406 та телефондан фойдаланиш ҳамда 734 минг 860 та хавфсизлик тасмасидан фойдаланмаслик ҳолатлари қайд этилди. Ушбу рақамлар ҳаракат хавфсизлиги ортида инсон ҳаёти ва соғлиги, пешона тери эвазига орттирилган мол-мулк хавфсизлиги масаласи борлигини барча юртдошларимиз ҳам бирдек англамаётганидан дарак беради. Шу маънода йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш кенг жамоатчилик, турли ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи лозим.

Республика ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши ИТҲларнинг олдини олиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида комплекс чора-тадбирлар кўриш, транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўрикдан ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар тайёрлаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўришни назарда тутади. Транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш, ўқув юртларида, ҳайдовчиларни тайёрлаш курсларида йўл ҳаракати қоидаларини ўқитишни янада такомиллаштириш чораларини кўриш, ойликни ўтказишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш долзарб вазифалардан.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ойликни ташкил этиш ва ўтказиш комиссияларини тузиш, уни самарали ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идораларнинг вазифаларини белгилаб қўйиш, «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича амалий машғулотлар ўтказиладиган «Болалар автошаҳарчалари»ни ҳомийлар ёрдамида барпо этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш, жамоат транспорти ва аҳоли кўп тўпланадиган жойларда ойлик ўтказилаётгани ҳақида реклама ёзувларини, плакатларни жойлаштириш, ҳар ўн кунда ойликнинг боришини муҳокама этиш ва унда мутасадди раҳбар ходимларнинг ҳисоботини эшитишни йўлга қўйиш ҳамда жамоатчиликнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокига баҳо бериш юзасидан аниқ топшириқлар берилган.

Вазирлик ва давлат қўмиталари, идора, концерн, корпорация ва жамғарма раҳбарларига ҳайъат, кенгаш, бошқарув йиғилишларида транспорт воситаларининг техник ҳолати ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини ва қўл остидаги ходимларнинг йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз амал қилишлари юзасидан аҳволни ўрганиб чиқиш ва тегишли чоралар кўриб бориш, ойликни ташкил этиш, ўтказиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, унда фаол иштирок этганларни рағбатлантириш билан боғлиқ харажатларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Фармонда Ички ишлар, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, оммавий ахборот воситаларидан ойликнинг боришини кенг ва атрофлича ёритиш, уни тарғиб қилувчи махсус видеороликлар тайёрлаб, эфирга узатилишини таъминлаш талаб этилган. Жойларда ойликнинг ўтказилишини ўрганиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш, ҳамкорликда рейдлар ташкил этиш, мактаблар, мактабгача таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидалари ўргатилишини текшириб, уларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш, мавзу юзасидан плакат, буклет, календар ва бошқа кўргазмали қуроллар чоп қилиниши ташкил этилиб, маҳаллаларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этилишини таъминлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Ҳар бир транспорт воситаси, у хоҳ йўловчи ташувчи бўлсин, хоҳ юк ташувчи, биринчи навбатда, техник жиҳатдан соз бўлмоғи лозим. Чунки, техник созлик ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади. Сир эмаски, бугун йўлларимизда замонавий, динамик ва тезлик хусусиятлари юқори бўлган транспорт воситаларининг сони ва ҳаракат жадаллиги йил сайин ўсиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлигини, мол-мулкларини ҳимоя қилиш юзасидан самарали тадбирларни амалга ошириш, содир этилаётган ҳодисаларнинг оқибатларига, уларни юзага келтирувчи шарт-шароитларга эътиборни кучайтиришни тақозо қилади.

Бунга фақатгина йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси деб қараб бўлмайди. Зеро, ҳар биримиз йўл ҳаракати иштирокчисига айланар эканмиз, ўз ҳаётимиз, қолаверса, ўзгалар соғлиги хавфсизлигига масъулмиз.

Х.САЙДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ бошлиғи, полковник

«Чинобод санаторийси» ОАЖ жамоаси



Юртдошларимизни яқинлашиб келаётган 2014 йил билан табриклайди. Янги йил барчамизга бахт, омад ва қувонч, мустаҳкам соғлик, тинчлик-хотиржамлик келтирсин!

Реклама ва эълонлар

Мулкчилик шаклидан қатъи назар,барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари, кичик бизнес субъектлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи:

1. «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Қашқар кўчасидаги Вилоят Ички Ишлар бошқармасига 60 ўринли вақтинчалик ушлаб туриш ҳибсхонаси қурилиши».

Бошланғич нархи — **1 746 821 508 сўм ҚҚС билан; 1 455 684 590 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **01.06.2014 йил.**

2. «Данғара тумани, Данғара маркази, Тошкент кўчасидаги «Ҳокимият учун қўшимча бино қурилиши».

Бошланғич нархи — **905 609 610 сўм ҚҚС билан; 754 674 675 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **01.06.2014 йил.**

Буюртмачи: Вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжирининг компанияси.

Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, тел: (373) 400-52-80 (факс).

Қурилиш ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

Огоҳлик

Баъзи хонадонларда электр тармоғи, газ қувурига ўзбошимчалик билан уланиб олиш ҳолатларига кўзингиз тушади. Бундай эҳтиётсизликлар ёнғинни келтириб чиқариши мумкинлиги уй эгаларини наҳотки ташвишга солмаса, дея ўйланиб қоласан киши.

Ўзбошимчалик оқибати

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида туманимиздаги ЁХБ инспекторлари томонидан олиб борилган текширувлар давомида қатор турар жой ва ташкилотларда шу каби ҳолатлар аниқланди. Камчиликлар юзасидан тегишли далолатномалар тузилиб, уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Бундан ташқари, турар жой бинолари олдидаги автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўлакларга рухсатсиз қўйилган турли тўсиқлар, қўшимча қурилмалар йўқ қилинди.

Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар самара бермоқда. Айниқса, маҳалла, ўқув муассасаларида ўтказилган учрашувлар, тушунтириш ишлари муҳим аҳамият касб этаётир.

Тоҳир НОРМАТОВ,
Шайхонтоҳур тумани ЁХБ 14-ХЁХҚ кичик инспектори, сержант

Банк — мижозлар учун

Фаровонликнинг мустаҳкам омили

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда Республикамизда қўлга киритилаётган ижобий ўзгариш ва ютуқлар Президентимиз томонидан мамнуният билан таъкидлаб ўтилди.

Дарҳақиқат, ниҳоялаб бораётган 2013 йилда эришилган натижа ва марраларни таҳлил қилар эканмиз, аввалambор, долзарб аҳамиятга эга бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш учун жорий йилда 970 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиб, уларнинг 60 фоизи қишлоқ ҳудудларида ташкил этилгани, энг муҳими, 500 мингдан зиёд йигит-қизларни ишга жойлаштирилгани элимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг самараси дейиш мумкин.

Мазкур ютуқларда «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки жамоасининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Банк мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминлашда фаол иштирок этиб келаётир. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 490 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Кўрсатилган имтиёзли микромолиявий хизматлар миқдори 234 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу кредитлар ҳисобига юз мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Молия муассасаси томонидан оилавий тадбиркорлик, аёллар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти. Ажратилаётган имтиёзли микрокредитлар жойларда, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратаётганлиги, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётгани эътиборга молик.

Навоий шаҳар «Гулистон» маҳалласидаги «Dovudbek sito» оилавий корхонасида 15-20 турдаги болалар ва катталар учун кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонамизда «Микрокредитбанк» ОАТБ Навоий вилояти филиалидан олинган 7 млн. 900 минг сўм имтиёзли кредит эвазига замонавий тикиш дастгоҳлари олиб келиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари Муҳаррам Якубова. — Ушбу дастгоҳлар ёрдамида бир кунда буюртма асосида 50-60 та трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқаришга эришилмоқда. Келгусида хориждан янги технология келтириб, корхона қувватини янада оширишни режалаштирганмиз.



Дарҳақиқат, бир кишининг хайрли тадбири билан бир неча оиланинг рўзғорига барака кириши мумкин. Бугун кўплаб тадбиркорлар Муҳаррам опа сингари банк кўмагида оиласи фаровонлигини юксалтириб, одамларга фойдаси тегаётир. Хусусан, банк томонидан аёллар тадбиркорлигига ўтган 9 ой давомида 44 млрд. сўмлик кредит ажратилди. Бунинг натижасида 16,7 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

— Ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун, аввало, пухта бизнес-режа, сўнгра молиявий маблағ зарур бўлади, — дейди Музработ туманидаги «Музработ иссиқ нон» хусусий корхонаси раҳбари Мастона Бобоева. — Шу маънода тадбиркорнинг иши молия муассасаси билан чамбарчас боғлиқ, дейиш мумкин. Ҳар икки томон ўртасидаги ишончли ҳамкорлик эса юксак муваффақиятларга гаров бўлади. Сўнгги йилларда банк ва мижоз ўртасидаги масофа тобора «қисқариб» бормоқда. Молия муассасасининг мижоз учун қулай шартларда таклиф этаётган хизматлари тури кенгаяётгани ҳамда аҳоли орасига кенг кириб бораётгани шундай дейишимизга асос бўлади. Шунингдек, банк томонидан таклиф этилаётган хизматлар, энг аввало, мижоз манфаати устуворлигини кафолатлайди. Бунга бизнинг фаолиятимиз ҳам яққол мисол бўла олади. Корхонамизда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ташкил этдик. Бунда «Микрокредитбанк»нинг Музработ тумани филиали томонидан ажратилган 39 миллион сўм имтиёзли кредит қўл келди. Ушбу маблағ эвазига дастлаб цех биносини мукаммал таъмирдан чиқардик, сўнгра ускуналар олиб келиб ўрнатдик.

Бугунги кунда бу ерда қандолат маҳсулотларидан ташқари 2 та нон пишириш ва 1 та хамир қориш ускунаси ёрдамида бир кеча-кундузда 1500 донагача қолипли нон ҳам тайёрланяпти.

Сир эмас, юртимизда ҳукуматимиз томонидан жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу хайрли ишларда «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банкининг ҳам муносиб улуши бор. Банк томонидан таклиф этилаётган хизматлар ёш оилаларнинг даромадларини янада кўпайтиришга қулай имконият яратиб бераяпти. Банк сармоялари кўплаб кичик бизнес вакиллари, хусусан, оилавий тадбиркорларга ўз фаолиятини ривожлантиришда қўл келаётир. Қайд этиш жоизки, 2013 йилнинг ўтган ойлари давомида банк томонидан ажратилган кредитларнинг 37,9 млрд. сўми 6 мингдан ортиқ ёш оилани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун ажратилган имтиёзли кредитлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Таъкидланганидек, банк томонидан амалга оширилаётган ишларда ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақил ҳаётга дадил кириб боришига кўмаклашиш устувор аҳамият касб этаяпти. «Микрокредитбанк» фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, банк томонидан коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 23,9 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар йўналтирилгани эътиборга молик. Банк кредитларидан фойдаланаётган аёлларнинг 85 фоизи банкнинг кичик кредитларидан фойдаланаётган янги ташкил этилган аёл тадбиркорлар ҳисобланади.

— Коллежни битириш арафасида ўқиш давомида ўрганган ҳунарим бўйича кулолчилик устахонаси очиб, икки укамни ёнимга олиб, иш бошлашга қарор қилдим, — дейди Шаҳрихон тумани «Янги ҳаёт» маҳалласида яшовчи тадбиркор Азизбек Аҳмаджонов. — Иш бошлашим учун бизнес режа туздим. Банк ходимларига бизнес режам маъқул бўлди. Қисқа вақтда менга йиллик 3 фоизли бўлган 3 миллион 950 минг сўм миқдорида микрокредит ажратишди. Ҳозир кулолчилик устахонамизда тайёрланаётган сопол буюмларга талаб ортиб, буюртмачилар сони ҳам тобора кўпайиб бораяпти. Ҳунаримни тенгдошларимга ҳам ўргатяпман. Келгусида «Микрокредитбанк» билан ҳамкорликда ишларимни янада кенгайтиришни мўлжаллаяпман.

Эътироф этиш лозимки, бугунга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қудратли яратувчи кучга айланиб улгурди. Зеро, соҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор замирида ишлаб чиқаришда барқарорликка эришиш, оилаларимиз турмуш фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Бу йўлда «Микрокредитбанк» ўзининг микросармоялари билан эртанги кунга ишончи баланд тадбиркорларимиз учун доимий даромад манбалари яратишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Насиба ИСМАТОВА,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган сурат

Фаоллар ҳузурида

Жараён

Кармана туманидаги «Бешкент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Унда маҳалладан сайланган 53 нафар вакил билан бирга маҳалла ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот, ўқув юртлари раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Муқобиллик асосида

Вакиллар ишчи гуруҳи томонидан фуқароларнинг фикрини инобатга олган ҳолда тавсия этилган номзодларга демократик ва муқобиллик асосида овоз берилди. Йиғилишда иштирок этган 51 нафар вакилнинг 47 таси С.Латиповнинг номзодини қўллаб-қувватлаб, маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайлади.

Шуҳрат ХАЛИЛОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Интеллектуал баҳс

Тошкент Ахборот технологиялари университетида талабалар бўш вақтларини мароқли ўтказишлари ва ўз интеллектуал билимларини ошириб боришлари учун барча шароит яратилган.

Заковатчилар

Яқинда бу ерда «Заковат» клубининг 16 жамоаси иштирокида қизиқарли беллашув бўлиб ўтди. Унда университетнинг «Пристиж», «Арсенал», «Адолат», «Бирodарлар», «Юксалиш», «Телеком» каби 15 та жамоаси ҳамда Тошкент молия институтидан таклиф этилган «Нова» жамоаси қатнашди.

— Бундан икки йил аввал университетимизда «Заковат» клубини ташкил этгандик, — дейди олийгоҳ «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси Холбек Полвонов. — Аввалига иккита жамоа эди, эндиликда уларнинг сони 15 тани ташкил этмоқда.

— «Заковат» клубимиз олий таълим муассасалари ўртасида 2012 йилда ўтказилган Республика заковатчилари мусобақаларида фаол қатнашиб, умумий рўйхатда бешинчи ўринга лойиқ топилган бўлса, университетлар ўртасида биринчи ўринни эгаллади, — дейди клуб раҳбари Йўлчи Рўзиев. — Айни кунларда бўлажак баҳсларга пухта тайёргарлик кўраяпмиз.

Беллашув натижасига кўра, энг кўп балл тўплаган Касбий таълим факултетининг кутубхона ахборот фаолиятини бошқариш йўналишининг «КАФБ» жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Адҳам ДАМИНОВ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Айниқса, касаба уюшма афзалликларини тарғиб қилишда нашрнинг роли катта бўляпти. Бир воқеани айтиб берсам. Косон тумани Сайёд қишлоғида яшовчи Комила опа деган аёлга бир гал учрашганимизда томорқалардан унумли фойдаланиш тўғрисида таклифимизни айтган эдик. Яқинда опа билан яна учрашиб қолдик. Айтишича, у томорқасига ўрик ва бодом данакларини экиб, улардан ниҳол олибди. «Ҳар кўкламда уч мингтадан кўчат сотяпман. Рўзғоримга барака кирди», деди юзи шодликдан ёришиб. Дарҳақиқат, миришкорликда, меҳнатда гап кўп. Касаба уюшмалари олиб борган тарғибот ишлари, қолаверса, «Ishonch» газетасида бу жараённинг кенг очиб берилгани натижасида бугун ҳар қадамда янги боғларни кўрасиз. Айниқса, интенсив боғларни айтмайсизми?! Бу ислоҳотлар натижаси ўлароқ, гарчи қиш фасли бўлса-да, бозорларимиз меваларга тўла, нархи ҳам қиммат эмас. Бевосита, севимли нашримиз учун 2014 йилги обуна жараёнига тўхталсам, ишлар жадал кечаяпти. Республика акушер-гинекология илмий-текшириш институтининг Қарши филиали, Китоб, Қамаши, Чироқчи туманлари ҳамда Қарши шаҳри тиббиёт бирлашмалари бу борада бошқаларга ўрнак бўлишди.

Жанубда меҳнатсеварлар, «Ishonch»севарлар кўп

— «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси ходимлари 2800 нафарни ташкил этади, — деди касабақўм етакчиси Рустам Муродов. — Корхонамиз асосан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйича газ таъминоти ишларини амалга оширади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар сабаб, ходимлар манфаати янада кенгроқ ифода этилаяпти. Хусусан, Обод турмуш йилида 41 нафар ходим республикамизнинг сўлим сиҳатгоҳларида саломатлигини тиклади. Айниқса, 11 нафари ходимларнинг ота-онаси экани аҳамиятга моликдир. Чунки илгари ҳар қанча хоҳламайлик, пенсиядаги кишиларга имтиёзли йўлланмалар бера олмасдик...

Касаба уюшмаларининг туризмни ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишлари ҳам хайрли. Унга кўра, 200 нафар ходимни Бухоро, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги зиёратгоҳларга олиб бордик. Ходимларнинг 283 нафар фарзанди Қашқадарёдаги «Бинокор», «Нурафшон», Охунбобоев ва Мирзо Улуғбек, Сурхон воҳасидаги «Вахшивор», «Мироб» ҳамда Қулниёзов номидаги болалар оромгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқарди. Қишлоқларда қад кўтарган намунали уй-жойларга эга бўлиши учун 35 нафар ходимга бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Кези келганда, «Ishonch» газетаси хусусида тўхталсам. Барча цех қўмиталарида обуна ташкил қилинган ва биз ундан ўзимиз зарур тавсия ва услубий ёрдамларни олмоқдамиз.

Очеркларни севиб ўқиймиз

— «Шўртангазкимё» мажмуасида 4152 нафар ходим меҳнат қилади, — деди навбатдаги суҳбатдошимиз, мажмуа касаба уюшма қўмитаси йўриқчиси Гулжаҳон Сувонқулова. — Янги йил обунасига жиддий ёндашдик. Айниқса, газетада тез-тез чоп этилаётган лавҳа ва очеркларни бериб борилса, нур устига аъло нур бўларди.

Касаба уюшма нашрини аҳолининг барча қатлами ўқийди. Ҳомиладорлик таътилида бўлган аёлларимиз ҳам бундан мустасно эмас. Таклифим, ёш оналар учун бола тарбиясида асқотадиган зарур маслаҳатлар, бекалар учун уй-рўзғор сабоқлари бериб борилса.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2014 йил «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди. Йилнинг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган тадбирлар, оилаларимиз ўқиймиз. Ахир инсонлар тақдири кимни қизиқтирмайди дейсиз?

Келгусида бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, республикадаги илғор корхоналарда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар кенг ёритилса... Ана шунда ўзаро таққослаш, ўрганиш, янги ғояларни тарғиб қилиш имкони туғилар эди. Масалан, Андижонда автомобилсозлик, Тошкент ва Навоий вилоятларида металлургия, Фарғонада нефтни қайта ишлаш, Қашқадарёда нефт ва газ саноати кенг тараққий этган. Бу ҳудудларда қудратли корхоналар ва ҳар бирининг мустаҳкам, ўз анъаналарига эга касаба уюшма қўмиталари бор. Газета уларнинг ўзаро тажриба алмашишига ҳисса қўшишини истардик...

Шунингдек, ишчи-ходимларимиз орасида яхшигина ижод қиладиган, шеър, мақола, сценарийлар ёзадиган ходимлар кўп. Газета саҳифаларида махсус рукн ташкил қилиниб, ишчилар ижодидан намуналар бериб борилса, нур устига аъло нур бўларди.

Касаба уюшма нашрини аҳолининг барча қатлами ўқийди. Ҳомиладорлик таътилида бўлган аёлларимиз ҳам бундан мустасно эмас. Таклифим, ёш оналар учун бола тарбиясида асқотадиган зарур маслаҳатлар, бекалар учун уй-рўзғор сабоқлари бериб борилса.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2014 йил «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди. Йилнинг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган тадбирлар, оилаоромгоҳида дам олди. Соғлом бола йилида соғломлаштириш кўламини янада оширмоқчимиз...

Сабоқлар хазинаси

— Қарши шаҳар «Сувоқова» корхонаси вилоятдаги етакчи тармоқ корхоналаридан, — деди изланувчан касабақўм раиси Келдиёр Норбоев. — Касаба уюшма қўмитамиз 593 нафар ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатини ифода этади. Жорий йилда 30 нафарга яқин ходим ва кам таъминланган хизматчиларнинг 63 нафар фарзанди сиҳатгоҳ ва оромгоҳларда саломатлигини тиклади. 20 нафар ходимга моддий ёрдам берилди. 10 нафар ходим «Касаба-тур» веломарафонида иштирок этиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда фаол қатнашди. Бир сўз билан айтганда, жамоадошларимиз касаба уюшма қўмитаси тадбирларида фаолликларини намойиш этишмоқда.

Бу «Ishonch» газетасига бўлган обуна жараёнида ҳам яққол кўзга ташланди. Газета бундан буён ҳам ишчи-ходимлар ҳаётига чуқурроқ кириб бораверсин, деган тилакдамиз. Таклифим зарарли меҳнат шароитида, масалан, бизнинг соҳада, канализация шароитида, газ ва электр пайвандлаш ишларида меҳнат қиладиган ходимлар учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ҳақида ҳам тушунча бериб борилса...

Ибрат мактаби

— Севимли газетамизга 2014 йил учун обуна ўз нашримизга муносабатимизнинг ўзига хос ифодасига айланди, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғузор туман кенгаши раиси Эшпарда Ниёзов. — Кўриб турибмизки, «Ishonch»да ранг-баранг ва сермазмун мақолалар кўпайди. Газета мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, спорт, қўйингки, барча соҳаларни кенг қўламда, асосийси, тезкор ёритиб беряпти.

Энди таклифларим ҳақида тўхталсам. Газетада «Касаба уюшма фидойилари» рукни остида ривожига катта ҳисса қўшаётган фидойилар, уларнинг иш услуби ҳақида мақолалар кўпроқ чоп этилса, ёш касабақўмлар учун яхшигина ибрат, намуна мактаби вазифасини бажарган бўларди...

Ўсиш кўзга ташланмоқда

— Кенгашимиз 149 та бошланғич ташкилот бирлаштирилган бўлиб, 7828 нафар аъзо ҳамда тумандаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг манфаатини ифода этади, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Косон туман кенгаши раиси Баҳодир Мўминов. — Касаба уюшмаларидаги ислоҳотлар туфайли фаолиятимизда ўсиш кўзга ташланди. Масалан, ўтган йили 75 нафар ходим турли сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклаган бўлса, бу йил 97 нафар педагог соғломлаштирилди. Ёки ўтган йили 215 нафар ўғил-қиз оромгоҳларда дам олган бўлса, бу йил уларнинг сони 251 нафарга етди. Спорт ва маданий-маърифий тадбирлар ҳам сезиларли даражада ошди. Шунингдек, йил давомида Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хоразм вилоятларига саёҳатлар ташкил қилинди.

2013 йил тизимда «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан барча бошланғич ташкилотларга услубий ёрдам сифатида стенд ва қўлланмалар тарқатилди. Шунингдек, касаба уюшмаларида татбиқ этилаётган барча янгиликлар ва уларнинг бажарилиши бўйича севимли газетамиз орқали бохабар бўлиб боряпмиз. Истагимиз — ҳуқуқий сабоқлар, саволжавоб саҳифалари янада кўпайса...

Беғараз кўмакчи

— Жорий йилда бошланғич ташкилотлар фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратдик, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз туман кенгаши раиси Саъдулло Абдуллаев. — Тизимдаги ислоҳотларни янада теран англаш, етакчиларнинг билимини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ўқув-тренингда 146 нафар бошланғич ташкилот раиси қатнашди.

Кенгашимизга тушган 41 та ёзма ва 78 та оғзаки мурожаат ижобий ҳал этилиб, 15 та мурожаат бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Фарзандлари 2 ва 3 ёшгача бўлган 14 нафар ёш онага ва 104 нафар кам таъминланган педагогга моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, манзилли корхона ва ташкилотларда амалиёт ўтаган 52 нафар коллеж ўқувчисига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида моддий ёрдам берилди.

«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ҳам уюшқоқлик билан ўтди. Туман босқичида ғолиб деб топилган Шаҳрисабз педагогика коллежининг вилоят босқичида биринчи, танловнинг тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизими бўйича Республика босқичида иккинчи ўринни олгани қувонарли бўлди.

«Ishonch» газетаси кенг қамровли фаолиятимизга кўмак берувчи беминнат ҳамкор, беғараз маслаҳатгўйдир.

Шу ўринда таклифимни айтиб ўтсам. Газета саҳифаларида хориж мамлакатлари касаба уюшма қўмиталари ҳақида лавҳалар ўқишни истардик.

Ўзимизнинг нашр...

— «Ishonch» газетасининг ҳар бир сонини интиқиб кутаман, — деди Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раис ўринбосари Исоқ Аҳмедов. — Газета касаба уюшмаларидаги ўзгаришларни муштарийларга атрофлича ёритиб бермоқда. Нашр тобора ўқишли бўлиб бораётганини эътироф этиш жоиз. Масалан, яқинда чоп этилган «Муносиб меҳнат — муносиб ҳаёт асоси» мавзуидаги давра суҳбати тафсилотлари менда катта таассурот қолдирди. Мутахассисларнинг фикрларидан кўп нарса ўргандим. Шунингдек, тизимда 2013 йилнинг «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилингани ва шу муносабат билан қабул қилинган Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш Дастури ҳамда унинг бажарилиши газета саҳифаларида кенг ёритиляпти. Бундан ташқари, «Касаба уюшмалари ҳаёти» рукни остида бериладиган материаллар кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, вилоятда севимли газетамизга обуна жадал ва уюшқоқлик билан давом этаётир.

Акмал АБДИЕВ
ёзиб олди.



Қашқадарё вилоятида янги йилда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган яна бир қанча ҚВП иш бошлайди. Ҳар бирига 306-468.8 миллион сўм сарфлаб бунёд этилган бу шифо масканлари кунига 50, 75 ва 100 нафаргача беморларни қабул қилиш имкониятига эга.

Янги йилда – янги ҚВПда

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Шербой Шеровнинг таъкидлашича, бу объектларни барпо этишга воҳадаги «Одил қурувчи сервис», «Наутака», «Жўра бобо», «Аскар қурилиш сервис», «Сайфулла ота», «Долгоплюс қурилиш» каби қурилиш ташкилотлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Шаҳрисабздаги «Хитой», Чироқчидаги «Уймовут» ва «Саркамит», Деҳқоноддаги «Катта», Қамашидаги «Қора қўтон» қишлоқларидаги ҚВПлар 2014 йилдан беморларни қабул қилишга киришади.

Иззат ҲИКМАТОВ

Эл хизматида

Тўрақўрғон туман алоқа бўлимига раҳбарлик қилган Дилбархон Холиқованинг яхши бир одати бор эди. Ҳатто оддий почтачиликка ҳам махсус мутахассисликка эга бўлганларни қўярди.

Ишончни оқлаб...

Бунинг натижасида аҳолига почта хизмати кўрсатиш ишлари тубдан яхшиланди. Соҳа бўйича юқори кўрсаткичларга эришилди. Ҳатто, нуфузли йиғинларда туман алоқа бўлими республикамиздаги энг яхши тармоқ сифатида тилга олинди.

...Фавқулодда Сарой қишлоғидаги алоқа бўлимига кадр топиш зарур бўлиб қолди. Бу иш билан опанинг ўзи шуғулланди. Ўша пайтдаги «Олтин водий» ширкат хўжалиги далаларида вакил бўлиб юрган опанинг эътиборини янги ташкил этилган фермер хўжалиги йиғим-терим ишларини ҳисоб-китоб қилиб юрган ёшгина йигит тортди. Ундан кечаги ва бугунги терилган пахта ҳақида маълумотнома тайёрлаб беришни сўради. Ҳисобчи Дилшод Йигиталиев орадан ҳеч қанча вақт ўтмай тегишли маълумотномани опага узатди. Дилшоднинг иш фаолиятидан қониқиш ҳосил қилган вакил уни Сарой алоқа бўлими почтачилигига таклиф этди...

Мана 11 йилдирки, Дилшод ҳамқишлоқларига сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. У фаолият кўрсатаётган алоқа бўлимида 710 кишига қарилик пенсияси, 50 нафар болага ва 40 кишига ногиронлик нафақаси тўланади. Ҳар ойда уларга 120 миллион сўм тарқатилади.

Дилшод аввал кундалик матбуот нашрлари, тезкор хат-хабарларни эгаларига етказади. Нафақа пулларини тарқатишда эса Тошлоқ, Сарой, Шовон маҳаллаларига навбат билан хизмат кўрсатади.

— Иш фаолиятимда асосан инсонлар билан муомалага эътибор қаратаман, — дейди у. — Чунки, кексалар, айниқса, ногиронлар меҳрга ташна бўлишади.

Бу соҳада ишлаб, ўз йўлимни топиб кетишимда яқиндан кўмаклашган устозим Дилбархон опа Холиқовадан бир умрга миннатдорман.

Ҳа, эл-юрт хизматига шай бундай илғор алоқачиларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ҳамид ФОЗИЛ

Наманган вилояти

Ахборот-ресурс марказларида

— Марказимиз хизматидан фойдаланувчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда, — дейди Марғилон шаҳридаги миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи қошидаги ахборот-ресурс маркази раҳбари Фарогатхон Одилова. — Керакли ахборотларни излаш, фойдаланиш, маърузалар, рефератларни мустақил равишда тайёрлаш учун барча қулайликлар мавжуд.

Билим булоғи

Бугунги кунда 29693 дан ортиқ китоб захирасига эга зиё маскани компютер ва бошқа замонавий ахборот техникалари билан жиҳозланган. Эндиликда китобхонлар ўзларига зарур маълумотларни қисқа фурсатда олиш имконига эгалар. Китоблар, даврий нашрлар ва бошқа ҳужжатларнинг электрон нусхаси яратилиб, интернет ва «Ziyonet» тармоқлари мунтазам ишлаб турибди.

Коллежнинг ўқувчилар турар жойида истиқомат қилаётган юз нафардан зиёд ўқувчи учун АРМ филиали фаолият кўрсатяпти. Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли мавзуларда адабий кечалар уюштирилмоқда. Шоир, ёзувчи, санъаткорлар билан учрашувлар ўтказиш одат тусига кирган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Йилқичилик

От – йигитнинг қаноти

Халқимиз қадимдан отга меҳр қўйган. Қорабайир зотли тулпорларимизнинг довруғи дунёга таралган.

Ўзбек тулпорининг шуҳрат топишига тадбиркорлар, фермер хўжаликлари билан бир қаторда ҳаваскор отбоқарлар ҳам ҳисса қўшаётгани қувонарлидир.

— Ўтган йили вилоятимизда йилқилар сони уч юзтага кўпайиб, 21 минг 253 бошга етди, — дейди Жиззах вилоят наслчилик инспекцияси бош мутахассиси Алишер Маматқулов. — Ғаллаорол, Бахмал, Зомин, Фориш ва Жиззах туманлари хўжаликларида бу борада яхши натижаларга эришилди. Жиззах туманилик Муродовлар сулоласининг отларни кўпайтириш ва уларнинг наслини сақлаб қолишдаги хайрли ишлари ибратлидир. Улар ташкил этган «Арслон Нур» ва «Сарварбек МФ» хўжаликларида қорабайир зотли йилқилар парваришланмоқда.

Вилоятда ўтаётган байрамларда кўпкари бериш одат тусига кирган бўлиб, чапдас чавандозлар маҳоратини намойиш этмоқдалар.

— Отларнинг наслини яхшилаш, турларини кўпайтириш бўйича туркманистонлик ҳамкасбларимиз билан иш олиб бораяпмиз. Бундан буёнги режаларимиз катта, — дейди А.Маматқулов.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: N.Rafiqov
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 1211 13521 nusxada bosildi 2345